



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 14 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча

прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин;
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча қиради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 14 сентябрь.
№ ЎРҚ-296.

Ўзбекистон Республикасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонунига илова

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг РЎЙХАТИ

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) – хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга.

2. Қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида.

3. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида.

4. Ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар – ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида.

5. Эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса.

6. Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда.

7. Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар

Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда.

8. Илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар – ўқини, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишли Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайтиб келганида.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга.

10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган фуқаролар, шунингдек уларнинг

оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга.

11. Давлат ҳокимияти органларига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таъин этилаётган юқори маълакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари).

Изоҳ: ушбу Қонун қуча кирганидан кейин мазкур Рўйхатнинг 3, 5, 9 – 12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.



ЯЙЛОВЛАРДА ЯЙРАБ ИШЛАШГА НЕ ЕТСИН!

Эргаш ота билан Санобар аяни фақат Намданак қишлоғида эмас, балки бутун Паркент туманида кўпчилик таниса ажаб эмас. Негаки, улар тинч, тўқин-сочин ҳаётларини шу қишлоқдаги жамоа ҳўжалиги фермасида меҳнат қилишга бағишлашди. Хусусан, Эргаш ота 41 йил молбоқарлик қилди, Санобар ая ситир согди. Шу мазмунли кечган йиллар давомида улар етти ўғил, уч қизни ўзлари сингари меҳнатдан эринмайдиган қилиб тарбиялаб вояга етказишди.

1995 йили бутун республикада фермерлик ҳаракати авж олди. Бево-сита давлатимиз раҳбари раҳнамолиги ҳамда ҳукуматнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши далласида собиқ жамоа ва ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, улар базасида фермер ҳўжаликлари ташкил этиш кизгин тус олган кезлар эди ўшанда. Мавлон ҳам бундай ғамхўрлик ва имкониятлардан дадиллашиб, чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалигини ташкил этди.

Орадан ўтган 15-16 йил Мавлон учун қанчалик машаққатли кечган бўлса, шунчалик хайрли бўлди. Энди у бошқараётган "Бахт" фермер ҳўжалигининг олдида тушадигани йўқ туманда. Яйловларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда

Мавлон – уларнинг тўғичи. Ота-онанинг ўз касб-ларига садоқатлари боис чорвачиликдан яхшигина хабари бор, албатта. Халқ тили билан айтганда, қўй кўрмаса ҳам қий кўрган. Шу боис, қишлоқ ҳўжалиги институтини битириб, "Намданак" ҳўжалигида бир муддат узумчилик бригадасини бошқариб юрди-ю, аммо, кўнгли тўлавермади, ҳаёли бошқа нарсаларда бўлди. Чорвачиликка бўлган меҳр, иштиёқ унга тинчлик бермасди.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

744 гектар ернинг эгаси. Маҳаллий аҳолидан 32 кишини муқим ишга қилди. Қорамоллари 530 бошга етди. Шундан 175 боши соғин ситирлар.

Бир пайтлар Эргаш ота ва Санобар ая асос солган, ўн ўғил-қиз униб-ўсган катта оила, аҳил-иноқ хонадоннинг ибратли аъналарини давом этаяпти. Ҳозир Мавлоннинг ўзидан уч ўғил бир қиз бор. Сулола эришаётган бахт-иқболнинг боши – меҳнат. Ўғли Аҳрор аллақачон отасининг ёнига кирган – фермер ҳўжалигида иш юритувчи.

– Меҳнатингиз қадрла-ниб турса, руҳингиз кўтарилиб, завоқ билан ҳаракат қилавераркансиз, – дейди Мавлон Ҳожиёв. – Ишла-

римиз обдон юришиб, меҳнатимиз самараси элга кўрина бошлаган 2003 йилда Юртбошимизнинг Фармони билан "Меҳнат шўхрати" ордени билан бўлдим. Моддий манфаат ҳам керак-ку, аммо маънавий рағбатнинг ёқили таз-сири бўлакач. Ўттиз икки аъзонинг рўзғори, турмуши фермер ҳўжалигимиз ортидан. Ноллишга ўрин йўқ. Еримиз, фермаимиз йилдан-йилга кенгайиб, молларимиз кўпайиб, даромадимизга барака кириб бора-япти. Бундай пайтда янги-янги режалар ҳаёлин-гизга келаварар экан. Ол-диндан айтиш мақтанши-дек гап-у, аммо мўлжал-лаётган яхши ниятларимиз ҳам йўқ эмас.

Ишчи Аъзам Тошхўжаев суҳбатга қўшилди:

– Яйлов чорва учун жуда зарур. У ҳам озуқа, ҳам моллар яйраб, касалликларга чалинмай, соғлом, сермахсул бўлиши учун асосий манба. 186 гектар лалмининг 100 гектаридан галла етиштириб, 80 тоннасини давлат эҳтиёжлари учун топширдик. Қолган лалми қишлоқ учун хашак беради. Суви ёримиз 140 гектар. У ҳам чорва учун озуқа манбаи. 65 гектари беда, 10 гектаридан озуқа лавлаги, 25 гектаридан ем учун бугдой етиштира-миз. 25 гектарга силос учун мак-кажўхори эка-миз. Айтмоқ-чиманки, ем-хашак ўзимиздан чиқиши учун ҳаракат қилаёти-миз, шунда даро-мадининг баракаси учмайди.

(Давоми 2-бетда).

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ ТАРБИЯСИ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

"Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, – деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари, – фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир".

Табиики, таълим соҳаси бу вазифани муваффа-

қиятли бажаришнинг асоси. Истиқлолнинг дастлабки қадамлари таълимни ислоҳ қилишдан бошлангани ҳам бежиз эмас.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Азимжон Азаматов билан бу жараёнда эришилган натижалар ҳусусида суҳбатлашди.

– Юртимизда халқ таълими соҳасидаги ислохотлар чуқурлашиб боришига "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилиниши қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда, – деди Азимжон Эрхўжаев. – Ўтган йилларда мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий, яъни 9 йиллик умумий ўрта ва 3 йиллик махсус, касб-хунар таълими шаклланди ва қарор топди. Ёшларимиз замонавий билимларни, касбий кўник-маларни мукаммал эгаллаш-лари учун барча моддий ва маънавий асослар яратилди.

Бугун вилоятимизда 428 та мактабга таълим муас-

сасаси, 888 та умумтаълим мактаби, 110 дан зиёд спорт, мусика ва санъат мактаблари, 6 та академик ли-цей ва 121 та касб-хунар коллежи жамоалари барка-мол авлод педагогларимиз билан шўғулланыпти. Фақат халқ таълими соҳасида 29 минг 578 педагог меҳнат қила-тир. Уларнинг тўртдан уч қисми олий маълумотли, 99,2 фоизи малака тоифаси-га эга устозлардир.

– Кейинги йилларда педагог ходимларнинг меҳнатларини муносиб қадрлашга эътибор бери-лаяпти. Шу соҳадаги иш-лар ҳақида гапириб бер-сангиз.

– Устоз ва мураббийлар меҳнатини қадрлаш, тарбия-чи-муаллим касби нуфузини кўтариш устувор вазифага айланди. Аввало, ҳар соҳа-да юқори малака эгаси бўлган педагогларимиз Ва-танимизнинг юсак мукофот-лари билан тақдирланмоқда. Бугун вилоятимиз мактаб-ларида фахрий унвонлар, ор-ден ва медаллар билан му-кофотланган минглаб педа-гоглар ёшларга таълим-тар-бия беришяпти.

Президентимизнинг халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомил-лаштириш, уларни рағбат-

2011 йил
17 сентябрь
ШАНБА
№ 74
(12.398)

Вилоят ҳаёти

Юқори Чирчиқ
тумани

Тўй тўйларга
УЛАНСИН

Янгибозор шаҳар-часининг "Наврўз" маҳалласида янги "Судёна" тўйхонаси фойдаланишга топширилди.

450 ўринга мўлжалланган тўйхона замонавий тарзда жиҳозланган бўлиб, нафақат тўй балки, турли тадбирлар ўтказиш учун ҳам қўлай.

Тадбиркор Зоҳида Ҳайитова сазй-ҳаракатлари билан амалга оширилган хайрли ишдан маҳалла аҳли беҳад шод.

Бўстонлиқ
тумани

УЗОҚҚА
БОРИШГА
ҲОЖАТ ЙЎҚ

Пискон қишлоғидаги врачлик пунктида янги дорихона иш бошлади.

Дорихона замонавий услубда қурилгани, доридормонларни сақлашда барча қўлайликлар яратилгани билан аҳолига манзур бўлди.

Энди маҳалла аҳолисининг дори излаб марказга боришларига ҳожаат йўқ.

Бекобод
шаҳри

ЎЗАЛИГИНИ
МАДХ ЭТАМАН,
ВАТАНИ!

Мустақилликнинг 20 йиллик тўйига бағишланган байрам дастурлари шаҳардаги барча мактабга таълим муассасаларида ҳануз давом этмоқда.

Кўни кеча "Учкунча", "Қўёшжон", "Қўнғирокча" болалар боғчаларида шундай тадбирлар қўтаринки руҳда ўтди. Болалар билан Ватанимизни ўз кўй-қўшиқларида мадҳ этишди. Шунингдек, тарбиячи опалари кўмагида саҳналаштирилган кўринишларини намойиш этиб, йилгиларини хушнуд қилдилар.

Ирода МАКСУД қизи.

ОЗОН – МУҲИМ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Пойтахтимизда 16 сентябрь – Бутунжаҳон озон қатлами муҳофаза қилиш кунини муносабати билан "Озон соябони" мавзусида экологик акция ўтказилди.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Озон офиси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мутасадди ташкилот ва идора вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ҳар йили дунёда 16 сентябрь – Бутунжаҳон озон қатламини муҳофаза қилиш кунини сифатида кенг нишонланади. Бу йил ушбу кун "ГХФУларни чиқариш – ноёб имконият" шиори остида ўтказилаяпти.

Тадбирда "Озон қатламини асрайлик" экология бўйича умумлашма дарс ва "Озон – бизнинг соябонимиз" болалар акцияси, "Озон қатлами, қимдан ва нима учун биз уни ҳимоя қиламиз?" шиори остидаги фестивал ўтказилди. Унда ўқувчиларнинг табиати асраб-авайлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва озон қатламини ҳимоялашга қаратилган иншоолар танлови, расмлар кўргазмаси ва бадий чиқишлар билан иштирок этишди.

"Туркистон-пресс".

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Чирчиқ шаҳар филиали "Адолат" социал-демократик партияси шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида байдарка ва каноэда 2000 метр масофага эшак эшиш бўйича мусобақа ташкил этди.

Унда вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган 30 дан ортиқ ёш спортчи иштирок этди. Энг юқори кўрсаткичларга эришганлар жамғарманинг минтақавий филиали, "Адолат" партияси вилоят кенгаши дипломлари ва совринлари билан тақдирландилар.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА КАТТА ҒАМҲЎРЛИК КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭНГ ИЛГЎР ЕТАКЧИ ЎН МАМЛАКАТ САФИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илгўр етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.

Бу борадаги индекс 10 минг аҳолига хизмат кўрсатган тиббиёт ходимлари сони, мамлакатнинг барча ҳудудларида тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг самарадорлик даражаси каби қатор муҳим кўрсаткичларга асосланган. Шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олиниш даражаси, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам қўрсатиш имкониятлари каби омиллар ҳам эътиборга олинган. Мамлакатимиз ушбу барча кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллади ва Германия, Франция, Буюк Британия, АКШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Булнинг барибир Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинган бўлиши билан, баркамол авлоднинг тарбиялаш борасида ғамхўрлик қўрсатиш энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган давлат сиёсатининг нечоғлок юксак самаралар бераётганининг яна бир тасдиғидир. Мамлакатимизда болалар соғлом туғилиши ва уларнинг учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида тўртинчи бўлиб амалга оширилган "Соғлом она - соғлом бола" дастури умумийлик ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлар, туғуруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, қарийб 3200 кишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолиятини кенгайтириш мақсадида 2009 йил 1 июлда қабул қилинган қарорига мувофиқ, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада қучатириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга

ичкилатиб этилаётди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу дастур ижросини таъминлаш доирасида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар ва бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб этишга қаратилган алоҳида эътибор баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар болаларнинг қарийб 99 фоизини оқумли касалликларга қарши ҳар йили эмлашни ҳам ўз ичига олган. Шу тўғрисида қатор касалликлар, биринчи навбатда, болаларга юқадиган хасталиклар мамлакатимизда кўп йиллардан буён қайт этилаётгани йўқ.

Жаҳон рейтингини тузувчилар яна бир муҳим омилни эътиборга олган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини қўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғрисида келтирилган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич нафақат шаҳарлар, балки кишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келмади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг барча аҳолисиغا малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Бу мазкур комплекс чора-тадбирларнинг амалдаги самараларидир. 1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими 3 баравар камайди. ЮНИСЕФ Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш моделини минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этди. Мамлакатимизнинг "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига жаҳоннинг ўн та энг етакчи давлати қаторига киритилган Ўзбекистон болалар саломатлиги, уларнинг келажиги, демократия ва халқнинг истиқболи йўлида алоҳида ғамхўрлик қўрсатиётган давлат эканини яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири.

■ БУГУННИНГ ГАПИ



ЭРТА ЭКИЛСА ҚАЛИН ТУПЛАЙДИ

Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим авж паллага кираяпти. Мавсумга таълуқли барча куч ва имкониятлар етиштирилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишга йўналтирилмоқда.

Аммо, ўтган йиллар натижаларидан тўғри хулоса чиқарган тажрибали фермерлар 2012 йил ҳосили учун кузги ғалла экиш чора-тадбирларини унут-маяптилар. Хусусан, Ўзбекистондаги "М-Зафар" фермер ҳўжалигида пухта тайёрланган 10 гектар

очик майдонга уруғ сепишга киришилди. — Ғалла кеч экилиб, яхши илдиш отмай, қалин туپлашга улгурмай, қишнинг қаҳратон кунлари бошланиб кетса, нимжон майсалар шикаст топиб, қўчат сийрак бўлиб қолиши кўп йиллик тажриба-

лардан маълум, — дейди фермер ҳўжалиги бошлиғи Мирза Холмуродов. — Шунинг хисобига олиб, очик майдонларга сентябрнинг ўрталариданоқ уруғ ташлашга одатланганимиз. Ўзга орасига ҳам илҳом борица эртароқ экишга ҳаракат қиламиз. Шу боис ҳосилдорлик 50-55 центнердан кам бўлмайди.

Фермернинг айтишига қараганда, ғалла экиш

учун мўлжалланган майдондаги пахта ҳосили тез йиғиштириб олиниб, бирикми кун ичида уруғ сепилиб, суғурилади. Ўзга эгитлари орқали сув бутун майдон бўйлаб текис таралиб, уруғлик тез ва тўлиқ униб чиқши, қўчатнинг бут бўлиши таъминланади.

СУРАТДА: ғалла экиш пайти.

Собир ЗУФАРОВ
олган сурат.

■ ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ЯЙЛОВЛАРДА ЯЙРАБ ИШЛАШГА НЕ ЕТСИН!

Ишчи тўғрисида гапни айтиш "Сигирининг сўти тилида" дейишда қорвадорлар. Агар соғин сигирлар еб турса, сўт оқиб келаядими. Бугун уни билиб реализация қилишда. Сигир соғувчи Азиза Бекова-нинг айтишича, фермер бу масалани ҳам бошидан пухта ҳал этган.

— Тўртта боғча, бир нечта қайта ишлаш кичик қорхоналари ва шифохона доимий мижозларимиз, — дейди А. Бекова. — Кунига уларга 1200 литрдан кўпроқ сўт етказиб берамиз.

Дарвоқе, ҳали ишчи А. Тошхўжаев айтганидек, 140 гектар ерда қорва моллари учун турли хил озуқа етиштирилган экан. Демак, анчагина техника хизмати ҳам керак.

— Бу масалалар ҳам муаммо йўқ, — дейди ҳўжаликнинг ишонган механизатори Мирҳамид Пулатов. — Техникамиз етарли. Эҳтиёж сезилса, яна харид қилаверамиз. Ҳозир Т-150 ҳайдов, иккита МТЗ-82, учта Т-28Х4 тракторларимиз, ушбу юк машинасимиз, силос ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

беда ўрайдиган "Морал" ҳамда иккита "Енисей" дон комбайнларимиз бор.

Ғалп айлиб, навбатдаги режаларга келганда, Мавлонга "мўлжалланган яхши ниятлари"ни эслатди.

— Ҳукуматимиз, айниқса, шахсан Ўртбошимизнинг ўзлари шундай қўлай имконият урнатиб олинишни яратиб бераётганларида, биз — фермерлар эришганимизга қаноат қилиб, қўл қовуштириб ётсак бўлмайди, албатта, — деди Мавлон Ҳожиёв. — Аксинча, бу ғамхўрликдан фойдаланиб, ҳўжалигимизни кенгайтиришимиз, кишлоқнинг озод, мустақил мулкдорлиги, эканлигимизни амалда кўрсатишимиз, янги-янги соҳаларга дадил қўл урмишимиз керак. Қўриб, билиб турибмиз, фермерлар ўзларидан орттириб, ол-юртга наф етказаяптилар. Лекин, бу ҳали оз. Бундан буён кишлоқ жойларда аҳолининг бандлиги масаласи биз, фермерларнинг сўй-ҳаракатимизга кўпроқ боғлиқ бўлади, албатта. Шуларни ўйлаб, ҳўжалигимизда яна бир янги тармоқни йўлга

қўймоқчимиз. Ҳозир "Агро-банк" орқали Жаҳон тарак қиёт банкнинг ресурслари ҳисобидан 73 минг еврога Исроилнинг "Паскайн" компаниясидан қорвачиллик ҳам ашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирадиган техника ва технологияларни олиб келаямиз. Уларни ўрнатиб ишга туширсак, ўзимиз етиштираётган ҳам ашёларни тайёр маҳсулотга айлантириб сотсак даромадимиз янада ошади. Янги технология ёрдамида кунига ҳамда бир тонна сутни қайта ишлаб, олти хил тайёр маҳсулотни савдога қирамиз. Бу келгусида кишлоқларда қайта ишлаш саноати тармоқларини эҳтиёжга яраша кенгайтириш учун тайёр имконият. Айтмоқчиманки, фермер ҳўжалиқлари ҳам фаолиятларини ўз маблағлари ҳисобидан кенгайтириб бориш саноатига эга бўладиган кунлар яқин.

Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,
Собир ЗУФАРОВ

(сурат),
"Тошкент ҳақиқати"
мўҳбирлари.

■ 2011 ЙИЛ - КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай муҳит яратиш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича кенг кўламли ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилаётди.

БИЗНЕС УЧУН ҚЎЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 24 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ишлорларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Айни пайтда текширишларнинг тартибга солиниб, сонининг кескин қисқартирилган тадбиркор эркинлигининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилаётди. Тадбиркорлик субъектида ўтказилаётган ҳар бир текшириш жараёнида ҳолис кузатувчилар фаолияти йўлга қўйилгани қонунбузарлиқнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, мазкур палата тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга идоралардан биридир.

— Бугунги кунда тадбиркорлар палаталарга ўзларининг яқин ва ишончли ҳамқорлар сифатида қараб, мутахассисларимизнинг текширишларда иштирок этишини сўраб мурожаат этишмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси юридик экспертиза ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Улғурмуд Эрназаров. — Жорий йилнинг ўтган даврида палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган тўрт юзга яқин текширишда мутахассисларимиз иштирок этди.

Таҳлиллар назорат органлари ходимлари томонидан баъзи ҳолларда текширув ўтказиш учун қўйилган

талаблар бузилаётганини кўрсатмоқда. Тадбиркорлик субъекти раҳбарига текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларни тақдим этмаслик, текширувларни рўйхатга олиш китобини белгиланган тартибда расмийлаштирмаслик, текширув натижалари бўйича тузилган далолатномаларни белгиланган муддатда ва тартибда субъект вақлига бермаслик шулар жумласидир. Бундай ҳодимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган қораларни қўллаш асосидан прокуратура идораларига, юқори назорат органларига тақдимномалар киритилмоқда.

Бу борада палата ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ва улар фаолиятида ўтказилаётган текширишларни мониторинг қилиш маркази муҳим аҳамият касб этаётди. Марказнинг асосий мақсади назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари вақиларининг мурожаатларини тезкорлик билан қабул қилиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширишларнинг қонунийлиги мониторингини юритиш ҳамда мавжуд муаммоларни амалда ҳал қилишга қўмақлашишдан иборат.

Қонунчиликда палаталарга ўз аъзолари бўлган тадбиркорлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш сўраб давлат божига тўлашдан даъво аризалари киритиш ҳуқуқи ҳам берилган. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида палата томонидан судларга умумий қиймат 188,5 миллион сўмликдан зиёд 2240 даъво аризаси киритилди. Қўрилган ишларнинг аксарияти қаноатлантирилиб, тадбиркорлар манфаатлари таъминланди.

Бу мамлакатимизда бизнес учун қўлай муҳит ва имконият яратиш билан бирга соҳа вақиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида жорий этилган яхлит механизм бераётган самараларидир.

Норгул АБДУРАХМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

■ БАРКАМОЛ АВЛОД - ЮРТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Республика Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент ислом университети ҳамкорлигида глобаллашув шароитида миллий ғоя асосида ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш вазифаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Унда маънавият тарғиботчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф. Мирзоев, Республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари О. Парпиева, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж. Исмоилова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида тизимли равишда амалга оширилаётган ишлар баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлашлар. Бу жараёнда ёш авлод онгу шуурини турли зарурлиқ мафқуравий ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, уларнинг ҳаётга оғлини муносабатини шакллантириш, қалбида миллий тафаккур ва

соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан қўллаб-маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, истиқлол йилларида маънавий-маърифий соҳаларда эришилган улкан ютуқлар аҳамиятини ўқувчи ва талаба-ёшларга ҳаётини мисоллар билан, содда ва самимий тушунириш, зарарли ғоялар ва мафқуравий хуружларнинг моҳиятини очиб берувчи қўллаб-қувватловчи лойиҳалар, ижодий кўрик-танловлар, илмий-маърифий анжуман ва учрашувлар ташкил этилаётди.

Тадбирда ёшларнинг ўз мустақил фикри ва соғлом дунёқарашга эга бўлиши, уларнинг мафқуравий иммунитетини янада қучатиришга оид маърузалар тингланган. Бу борада ёшларни қизиқтирган саволларга атрафлиқ жавоб қайтарилди. ЎЗА.

■ 1 ОКТЯБРЬ - ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

КЕЛАЖАГИМИЗ ЭҒАЛАРИ ТАРБИЯСИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

— Биз барча соҳаларда туб янгиланишлар даврида яшаймиз. Айтинг-чи, бу жараён таълим-тарбия соҳасида қандай кечаяпти?

— Кейинги йилларда давлат таълим стандартлари босқичма-босқич амалга оширилиб, тақомиллаштириб келинмоқда. Биринчи босқичда янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилди. Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Иккинчи босқичда модернизация қилинган давлат таълим стандартлари дастурлари ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилди ва шу асосда янги дарсликлар яратилди, ўқувчилар билиминини баҳолашда янги 5 балли рейтинг тизимига ўтирди.

Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кириб келётгани ҳам давримизга хос воқеалик. Бугун 675 та мактаб замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган. Ҳолбуки, олти-етти йил илгари бундай мактаблар 25 тадан ошмасди. Бугун 852 та умумтаълим мактаби

(Давоми. Боши 1-бетда).

"ZiyoNET" ахборот тармоғига улганган.

Сўзасиз, бу чора-тадбирлар педагогик жараёнда соғлом рақобат муҳитини қучайтирди. Шу боис ўтган ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларнинг билиминини аниқлаш мақсадида "Билимлар бешлашуви" жорий этилди. Унинг мактаб босқичида 211,5 минг, туман босқичида — 31,9 минг ўқувчи қатнашди. Вилоят босқичида 10 та фан бўйича 724 ўқувчи белгиланди. Ҳали бундан 37 ўқувчи республика босқичида иштирок этди. Паркент туманидаги 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Абдумўмин Махмудов география фани бўйича Республикада биринчи ўринни эгаллади. Чирчиқ шаҳридаги 20-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Элвиза Кенжали рус тили, Янгийўл туманидаги 5-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мунаввара Акмалова она тили фанидан иккинчи, Янгийўл шаҳридаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Малика Эминова математика фанидан учинчи ўринларни эгаллашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009-2014 йилларда болалар музика ва санъат мактаблари моддий-тех-

ник базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида"ги Қарори асосида вилоятимизда истиқболли дастур ишлаб чиқилган. Унда белгиланган тадбирлар қандай бажарилди? Дастлабки натижалар ҳақида нима дея оласиз?

— Болаларга музика ва санъатдан сабоқ беришни янги босқичга кўтаришда бу Қарорнинг аҳамияти катта. Унда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун вилоятимизда 33 та болалар музика ва санъат мактаблари бинолари қайта таъмирланаётди ёки янги лойиҳалар бўйича қурилаётди. Шу йилнинг ўзида 4 та мактаб янгидан қурилиб, 5 таси капитал реконструкция қилинапти.

Амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, болалар музика ва санъат мактаблари тарбияланувчиларининг Қарши шаҳрида ўтказилган республика танловида 26 ўқувчимиз муваффақиятли иштирок этди. Турли йўналишлар бўйича 12 ўқувчимиз биринчи, 7 ўқувчимиз иккинчи ва 9 ўқувчимиз учинчи ўринларни эгаллашди.

Халқ таълими янгиланган жаҳонга янги тараққиётга хос ва мос сўрват ва кўламли билан ривожланиб бормоқда, — деди пировардда Азимжон Эрхўжаев. — Бунинг учун давлатимиз ҳеч нарсани аямаётди. Белгиланган дастурий вазифаларни муваффақиятли бажариш, таълим-тарбия сифатини кўтариш педагогик жамоаларимизнинг ўз вазифаларига муносабатлари ва кундалик сўй-ҳаракатларига боғлиқ. Ўқитиш, тарбия иши узлуқсиз, яхлит жараён, унга ижодий ёндашиб, тинмай излансак, баркамол авлод тарбиясига қалб қўримизни, бутун маҳоратимизни сарфласак, энг ёруғ оразн-ниятларимизни рўёбга чиқарувчи фаол ва фидойи ёшларни катта ҳаёт йўлига олиб чиқишдек шароити вазифани удалай оламиз.

Қасбий байрамимиз — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни арафасида барча ҳамкасбларимиз, педагогик жамоаларга куч-қувват, ғайрат-шижоат, сийхат-саломатлик тилаймиз.

"Тошкент ҳақиқати" мўҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ сўхбатлашди.

БУГУНИДАН ЭРТАСИ ЯНАДА ПОРЛОҚ

Инсон ўзи туғилиб ўсган замин қанчалик яшариб, обод бўлиб бораверса, ўзи ҳам ёшариб, шу азиз Ватани бундан-да, гўзал ва обод кўргиси келади. Бу менинг гапларим эмас. Саксон ёшида елкасига кетмонини кўйиб, ўғли фермерлик қилаётган даладан қайтаётган Улугборди отанинг гапи.

Дала йўлида ногаҳон учрашиб қолиб, отахон билан гурунлашдик. Ариқ бўйидаги дарахт соясига ўтирган ҳолда ота гурунгни бошлади.

— Сахарда чой ичиб, кетмонни елкага ташлаб, далага отлансам, момонгиз: "Ҳа энди, уйда жимгина дамин-гизни олсангиз бўлмайди. Билган-билмаганлар болалари кўша-кўша машина миниб, егани олдида, емагани кетида бўлса, қаригани дима қилади далада, деб гапирибди" дея холи-жонимга кўймайди. Мен ҳам бўш келмайман.

— Бўлмайди, уйда ўтира олмайман. Худого шукр, тан-жоним соғ. Тўрто мучам бут. Умр бўйи сувчилик қилганман. Илгари шунча ишлаб, косамиз оқармаган эди. Мана, дориларим кунлар келди. Кимки тер тўкиб ишласа, барака топапти. Ҳа энди, аргамчига қил қувват деганларидек, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб тураман-да. Бундай кунлар кўпларга армон бўлиб қолди. Шу деганимиз, яқинда ўғиллардан кичиги ҳам уч-тўрт йил ишлаб топган даромадига "Нексия" олди. Шунча ёшга қариб Хива, Самарқанд, Бухорои шарифнинг таърифини эшитардим-у, бориш армон эди. Шу кичигимиз момонгиз иккимизни бир ҳафта айлантириб келди. Биз теле-визорда кўргандай обод ва гўзал шаҳарлар экан.

Ўзимизда ҳам мана, йигирма йил ичида қанчадан-қанча иморатлар, бог-роғлар бунёд этилди. Йўлларимиз, кўприкларимизни айтмай-сизми...

Отахон айтмоқчи, ўтган йигирма йил юртимиз учун юксалиш йиллари бўлди. Мухаббат Ёртоқбойнинг ўз халқини мустақилликнинг дастлабки кунларидан қучиб илҳомий ҳимояга олганлиги, ҳар бир ўтган йил-миз мазмунан маълум бир соҳани юксалтиришга хизмат қилганлиги, бир неча йил-дирки, халқроқ иқтисодий инкироз ўз бериб, дунёнинг энг ривожланган давлатлари иқтисодий таназул-га ўз тутган бир пайтда Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатлари тобора юксалиб бораётгани ҳамда бу жаҳоннинг энг нуфузли экспертлари томонидан тан олингани ҳам бор гап.

Юртимиз шаҳар ва қишлоқлари орасталиб, тобора обод бўлиб бормоқда. Янги-янги қороналар, хусусий тадбиркорлик субъект-

лари ишга тушмоқда.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби туманимизда ҳам йигирмага яқин турли йўналишда қороналар, маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг айрим-айримлари эса муллатидан илгари фаолият бошлаб юборган. Жаҳон андозалари асосида қурилган "Улуг Жаҳон барака" қўғоз-картон ишлаб чиқариш қоронаси хориж инвестициясини жалб қилган ҳолда, сомондан қўғоз ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Шу ерлик ёшлар қоронада меҳнат қилиб, катта маош олишмоқда.

Туманимиздаги йирик саноат қороналаридан бири "Балиқчи" очиқ турдаги ақилдорлик жамияти ҳам бозор иқтисодиёти шароитларида йил бўйи аҳолига балиқ ва балиқ маҳсулотлари етказиб бериш учун музлаткич биносини қуриб битказди. Шу билан бирга "Балиқчи" ОАЖ ҳудудига экологик дам олиш маскани ташкил этилди. 20 та ўйдан ташкил топган бу масканда туман аҳолиси, меҳмонлар хориқ чиқариб, табиятнинг гўзал манзараларидан баҳра олишлари мумкин.

Дўстобод шаҳримиз тобора обод бўлмоқда. Илгариги туман машина-трактор парки ҳудудига "Дўстобод-агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти тадбир-корлари гўзал бир маскан ташкил этиш билан бирга савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, автомобил-ларга сервис хизмати кўрсатиш мажмуини ташкил қилди.

Шунингдек, тикувчилик цехи очилди, товуқ ва қорамоқ боқилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси эл маъмуричилиги ва тўқинчилиги учун қилинди. Энг муҳими, бу ерда 100 га яқин аҳоли иш билан таъминланди.

Ўзбекистон беш йиллиги ҳақида йилдан-йилга турли хил йўналишдаги маданий ва маиший биналар бунёд этилиб, ишга туширилмоқда. Дўстобод шаҳри марказида икки ой ичида ишга туширилган "Гранд Нур" тўйхонаси аҳолининг яхши кунларида хизмат кўрсатишни бошлаб юборди.

Соғлом одам жамиятга катта наф қилтиради, юртимиз обод ва фаровон бўлиши учун фидойилик кўрсатади. Дўстобод шаҳрида қад-роғлашган "Соғломлаштириш" мажмуиси шу мақсад-ларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мирза ҲАМДАМОВ.



БУЛАР - МАҲАЛЛАНИНГ ФАХРИ

Чирчиқ шаҳридаги Ҳайдар Мақсудов маҳалласида мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар кейинги йигирма йил ичида маҳаллада юз берган ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик субъектлари кўпайиб

бораётгани, натижада аҳоли бандлиги масаласи муваффақиятли ҳал этилаётгани, айниқса, ёшлар муқим иш билан таъминланаётгани ҳақида фахр билан гапирдилар.

Маҳалла атрофида қор-

хона, ташкилот ва бандликка кўмаклашувчи бўлим ёрдамида йил бошидан буён юзга яқин ёшлар ишли бўлди.

Тадбир сўнггида меҳнат фахрийлари ва намунали оилаларга байрам совғалари тақдим этилди.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА.
Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

АЛИШЕР НАВОЙИ ИБРАТИ

Ўн бешинчи асрнинг охирида, ўн олтинчи асрнинг бошларидаги Хуросон маънавияти тарихи, илмий ва бадий ижоди зарваракларини кўздан кечириб, уларнинг ақсарида буюк бобомиз, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг руҳи, нафоси сезилиб туради. Чунки улар Навоийнинг бевосита тарбиясини кўрган шоғирларни ёки буюк адибнинг ғамхўрлиги ва ҳомийлигида балогатга етган ижодкорлар томонидан яратилган.

Ўзбек халқининг беназир сўз санъаткори умр бўйи ижод билан банд бўлишига, мутасил давлат юмушлари билан шуғулланишига қарамай, ўз даврининг илмий, маънавий, адабий жараёнига раҳнамолик қилган, юзлаб илм-адаб ахлини тарбиялаб воғга етказган. Жумладан, Самарқанддан қайт-гач, муҳторлик вазирига таъинланган Алишер Навоий устози Мавлоно Абдуллайнинг ўғиллари Ҳожа Ҳоҳанд ва Ҳожа Абдулқосим ҳамда ёш шоир Абдулмуминийларни Хиротга қайтариб, Низомия мадрасасига жойлаштирган, махсус хужралар ажратган, давлат ҳисобидан маошлар тайинла-ган.

Алишер Навоий алоҳида иқтидорли ёшларни авайлаб, эъзолабган, ҳомийлик қилган, бадий ижода йўналтириб бораган. Буюк адибнинг Аб-дупло Ҳотийиди, Сайидидин Махмуд Восифий, Бадриддин Хилолийлардек кейинчалик забардаст шоир ва адиб бўлиб етмишган ёшларнинг тақ-дирдаги ўрни ҳам унинг ана шу буюк фазилидан дарак беради.

Нақл этишларича, Хирот илм-адаб ахли орасида дуд-дуд гап тарқалган: шоирлар орасида бир йигитча пайдо бўлибди, ҳофизаси кенг, ғазалии даҳнаки ижод этар-кан, қироти басы мақбул эмиш. Алишер Навоий кун-лардан бир кун Соҳиб Дорро-

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА ҲАМ ВАҚТ ТОПАР ЭДИ

— Ўша бадеҳагўй йигитча-ни бизнинг навбатдаги шеър-ият мажлисимизга таклиф эт-сангиз, ҳушйолхон хонишдан бизни ҳам баҳраманд этса, — деди.

— Хўп бўлади Амири Кабир, — таъзим қилди Соҳиб Дорро.

Навоийнинг хосхонасига Хиротнинг энг сара шоирла-ри тўпланган, устод Абдура-ҳмон Жомийнинг фотиҳаси билан мушоира бошланди. Бирин кетин Рўзиёй, Аҳлий, Фазлий, Суҳайлий, Хотийиди-лар янги ғазалларини ўқиди-лар. Навбат ёш меҳмонга ет-ганда у таъзим билан ўрни-дан турди-да, бир ғазал ўқиди. "Ҳам" радиоби бу ғазал мак-таида "Хилолий" тахаллуси қўлланилган. Ушбу шеър-ни маҳлиё бўлиб тинглаб ўтирган Навоий шоир қўлида-ги қоғозни олди-да:

— Бундай боқира ғазалга яримта тахаллус етарли эмас, у бутун бўлиши керак, — деб "Хилолий"нинг устидан қаб-чизиб, "Бадрий" деб ёзиб қўйди.

Шундан сўнг бу шоир ўз

ғазалларида "Бадрий Хилолий" та-халлусини ишлатадиган бўл-ди.

Машҳур тарихчи Хондамир "Мақорим ул-ахлок"да Али-шер Навоийнинг атоқли шоир ва адабиётшунос Атоулло Мах-муд Хусайнийга қилган илти-фос ва мурувватлари ҳақида алоҳида ҳикоялар келтирган.

Уларда таъкидланишича, Али-шер Навоий Низомия мадрасасининг бошланаси қолган талабаси ёш Атоуллога дав-лат ихтиёридаги боғчилик ҳо-лини халлаб берган ва под-шоллик хазинасидан энг кўп миқдорда маош тайинлаган. Диққатга сазовор томони шун-даки, Навоий "Мақорим ул-нафос"да Атоулло Махмуд Хусайнийнинг ёшлиги ва ба-логат илларидеги ижоди ҳу-сусида фикр юритган. Унинг шеърини санъат назариясига бағишлаган "Бадр-ус-са-нов" китобини "Энг жомеъ ва муорид рисола" деб атаган. Навоийга бағишланган бу асар буюк шоир шахсияти ва фао-лиятини ўрганишда ноёб маъ-лумотларга эга. Китобда аҳо-ли тарихлар бор. Демак, На-воий ўзи ҳомийлик қилган йигитчанинг фаолиятини мут-тасил кузатиб бораган ва му-носиб баҳолаган.

Машҳур адиб Садриддин Айнийнинг "Алишер Навоий" китобида келтирилганидек, Котибий, Кошфий, Суҳайлий, Биноий, Шарифий сингари

форсий тилда ижод қилган 41 нафар ёш ижодкор бевосита Навоий тарбиясини кўрган, моддий ва маънавий кўмаги-да юксак ижод поғонасига етишган. Таниқли тожик шо-ири ва ёзувчиси Зайниддин Махмуд Восифийнинг йигит-лигидаги муаммо ечим қўда-рига Навоий берган юксак баҳо илм-адаб ахлига маълум. Шо-ирнинг "Мақорим ул-нафос"ида энди ижод майдонига кириб келаятган, ғазалии турри тушуниб, турри таҳлил қиладиган, ҳатто, у ёки бу ғазалии бошлардан қўра ях-широқ қироат қиладиган, баъ-зан боқира байтлар айтиб ю-ридан ёшларга ҳам "Келажак-га умид билан кенг урин берганлиги юқоридagi фикр-ни қувватлайди. Жумладан, "яхши таълиқ йигитдур", "хуштаъб йигитдур", "солим таълиқ йигитдур", "умид ул-ким яхшироқ айтқай" деган иборалар Мухаммад Толиб, Мавлоно Фатхуллоқ, Саидзо-да Мушви, Мавлоно Хизрий, Шайх Абдулло, Мавлоно Ҳашм, Шерам сингари жуда кўп ёшлар ҳақида маълумот бе-риб, "бу матлаъ анигдур" дея бир байтини келтирди. Баъ-зи ёшлар ҳусусида фикр юри-тганда "фақир қошида тарбия-тобди", "ул фақир қошида улғайбдур" деган қайдар бор. Демак, улар бевосита На-воий ҳовлисида ўсиб-ўлғайган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер На-воийнинг илм-адаб ахлига, хусусан, энг ижодкорларга меҳрибонлиги, пушту паҳон бўлиши, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаб юриши, ян-ги-янги асарлар ёзишга рағ-батлантириб бориши барча за-мон авлодлари учун катта иб-ратдир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЎАЖ бошланғич баҳоси олиб бориш тартибидега ўтказилмайдиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан ЖИБ Бўстонлик тумани судининг 24.08.2010 йилдаги 5-576/2010-сонли ижро варақасига асо-сан хатланган Қибрай тумани "Соҳиб-кор" ИПХда сақланаётган "Volkswagen Jetta" русумли, д/р Х059САН бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт восита-си қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 4 851 130,50 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 18 октябр кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан ту-ман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига қийиш танишиш мумкин. Аукцион сав-доларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза-ларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмайдиган закалат кели-шувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжати-да ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қўйилмади ҳисоб рақамига тўлашлар шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзиллими: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамийш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Танловда эллик нафардан зиёд фотойжодкор юз-дан ортик ижодий иш билан иштирок этиди. Биринчи ўринга Мухиддин Али муносиб топилди. Александр Шепелин иккинчи, Эрнест Куртвельев учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ў.А.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида муҳим палла – пахта йғим-терими мав-суми бошланди. Жорий йил Тошкент вилоятидаги 2 минг 600 дан ортик фермер ҳўжаликлари 100 минг 200 гек-тар майдонда гўзанинг "Наманган-77", "С-65-24", "АН-Боёв-2" каби вилоят

иклимига мос, эртапишар навларини парваришлади. Дехўнларимизнинг кат-та меҳнати эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йғиш-тириб олиш, хусусан, бу жараёнда ёғнин хавфсизлигини таъминлаш масъулият-ли вазирадир.

Бу борада Тошкент вило-яти ИИБ Ёғнин хавфсизлиги бошқармаси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар амал-га оширилмоқда.

– Мавсум олдида вило-ят ҳудудида жойлашган 8 пахта тазалаш қоронаси ва уларга қарашли 26 пахта қабул қилиш масканининг ёғнинга қарши ҳолати ўрга-ниб чиқилди, – дейди вило-ят ИИБ Ёғнин хавфсиз-лиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Тоҳир Ори-пов. – Ўрганишлар жараё-нида аниқланган ёғнин хав-фини келтириб чиқарувчи айрим ҳолатларни бартараф этиш юзасидан қорона раҳбарларига тегишли кўрсатмалар, ёғнин хавф-сизлиги ҳодимлари томо-нидан амалий кўмак берил-ди. Қўрилган чора-тадбир-лар натижасида пахта қабул қилиш ва қайта ишлаш мас-

канларининг ёғнинга қарши ҳолати яхшиланди ва улар бирламчи ёғнин ўчириш во-ситалари, анжомлари, ёғнинга қарши ишлатила-диган сув билан тўлиқ таъ-минланди.

Бошқарма ва унинг қуйи тизим ҳодимлари томонидан жорий йил пахта терими-га жалб этиладиган теримчилар вақтинчалик жойлаштирили-ши режалаштирилган 400 дан ортик масканларнинг ёғнинга қарши ҳолати газ ва электр тармоқлари қорона-лари, давлат санитария ва эпидемиология назорати ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёни-да 161 маскандаги электр ва газ ускуналари соъланди, 58 жойда вақтинчалик тортил-ган электр симлари талаб даражасига келтирилди. Барча пахта териш қомбайн-

лари, пахта ташувчи автотранспорт воситалари ва тир-камали тракторларнинг мав-сумга тайёргарлиги, ёғнин-га қарши ҳолати ва бирлам-чи ёғнин ўчириш анжомла-ри билан таъминланганлиги текшириб чиқилиб, транс-порт эгаларига тегишли тав-сиялар берилди.

Айни пайтда "Пахта – 2011" мавсумида ёғнин хавфсизлигини таъминлаш учун пахта тазалаш қорона-лари, пахта қабул қилиш масканлари ва теримчилар ётоқ биналарида 300 нафар-га яқин ёғнин хавфсизлиги ҳодимлари бириктирилиб, навбатчилик ташкил этилди. Шунингдек, пахта тайёрлаш масканларида 32 ёғнин ўчи-риш автоуловларининг уз-луксиз навбатчилиги йўлга қўйилди.

Л. СУВОНОВ,
Ў.А. мухбири.

Терим мавсумига пухта ҳозирлик кўрилади

ФАОЛ ҲУКУҚ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўша мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-ни ривожлантириш концепцияси" маърузасида жа-мийатнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ экан-лиги алоҳида таъкидланди.

Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомил-лаштириш, аҳолининг ҳу-қуқий онги ва маданиятини юксалтириш масаласига ало-ҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳу-қуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга йўналти-рилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширил-моқда.

Ватанимиз мустақиллиги-нинг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Респу-бликаси Адлия вазирлиги томо-нидан эълон қилинган "Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси" танлови ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Илк марта ба ташкил этилган маъруз тарнов "Ўзбекистон мадания-ти ва санъати форуми" жа-мгармаси, Ўзбекистон элект-рон оммавий ахборот воси-талари миллий ассоциация-си, "Ucell" компанияси, "Ту-

ронбанк" очик ақшадорлик тижорат банки ҳамкорлигида ўтказилди.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида маъруз кўрик-танлов гоилибларини тақдир-лаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли-гида мамлакатимизни модер-низация қилиш ва қучли фу-қаролик жамияти барпо этиш жараёнида аҳолининг ҳуқу-қий маданиятини янада юк-салтириш борисида амал-га оширилаётган кенг қўла-ми ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги тобора ошиб, жамият ижти-моий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани бунинг тасдиғидир.

Танловнинг якуний босқи-сида 21 нафар йигит-қиз гоилиб ва совриндорлар са-фидан жой олди.

Ў.А.

МУСТАҚИЛЛИК МАДҲИ – БОЛАЛАР ИЖОДИДА

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Мустақиллик мадҳи – болалар ижодида" республика кўрик-танлови гоилибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутуб-хонаси, Ўзбекистон уюшмаси ҳамда "Тонг юлдузи" газе-таси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловда юр-тимиз умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли-гида истиқлол йилларида ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғ-лом ва баркамол инсонлар этиб воғга етказиш, уларда ватанпарварлик ва фидойи-лик каби фазилатларни қарор топтириш ҳамда ёш-ларнинг касб-хунар эгалла-шига кўмаклашиш таълим-даги ислохотларнинг пирова-рд мақсадини ташкил эти-ши таъкидланди.

Маъруз ижодий танловда Қорақалпоғистон Респу-бликаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳридаги мактаблар ўқу-вчилари фаол иштирок этди. Тақдим этилган ижодий иш-ларда мустақиллиқнинг мус-таҳкамлаш, уни кўз қорачи-тидадек асраб-авайлаш, ёш авлод қамолоти йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликка муносив бўлиш гоёси ўқу-вчиларнинг шеърлари, мако-лалари, баён ва иншолари-да акс эттирилган. Энг сара ижодий ишлар "Тонг юлду-зи" газетасида эълон қилиб борилди.

Танлов якунига кўра, Қорақалпоғистон Респу-бликаси Кегейли туманидаги 11-мактаб ўқувчиси Ойжамо-л Қарамидинова бош соврин-га лойиқ топилди. Биринчи ўрин Жиззах вилояти Форш туманидаги 59-мактаб ўқу-вчиси Шодиябегим Шарофий-га насиб этди.

Назозат УСМОНОВА,
Ў.А. мухбири.

Олмазор тумани Давлат солиқ инспекция-си томонидан 01.02.2011 йилда № 0902372 гувоҳнома рақами билан рўйхатда олинган яқка тартибдаги тадбиркор (ИНН 460010136) Қари-мова Мунира Наримановнага тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО «ELSA PRO» (ИНН 300357045) Мирзо Улугбекского району г. Ташкента сообщат о переименовании на ООО «SHAFIYA BIOTECH DEVELOPMENT GROUP». Тел.: 111-63-85.

Утеряный диплом № 033156, выданный 20.07.1994 году Ташкентским медицинским пе-диатрическим институтом на имя Исраиловым Лейли Исмаиловны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВТЕЛЬНОМ.

Олмазор туманидан рўйхатдан ўтган «BOVURBEK VA QOVBILBEK» хўш қоронаси-нинг бир дон думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ў.А.

"XOLMATJON KEAJAGI" хуусуий қоронаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади.

ООО "SAVA QURILSH" (ИНН 2803636704, ОКПО 17988665), находящееся по адресу г. Ташкент, Чиланзар-7-Б ЛИКВИДИРУЕТСЯ (со-гласно решению уредителя от 03.09.2011 г.).

"SWEETNESS MON AMORE" хуусуий қоронаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айланти-рилади.

"SPLASH COLORS" хуусу-сий қоронаси шу ном билан масъулияти чекланган жа-миятга айлантирилади.

ҲАМКАШ ҲАҚИДА СЎЗ

СЕРҚИРРА ИЖОД ЗАВҚИ



Бўқалик журналист ва ёзувчи Рустам Худой-кул аллақачон ўз ўқувчисини топган ижодкор-лардан. Бундан қарийб қирқ беш йил муқад-дам бир вақтингизда туман газетасида бо-силган "Ҳар баҳор..." ҳикояси ва "Тешиқ тоғора-лар" танқидий мақоласиёқ унинг ижодий сало-ҳиятини намойён этган эди. Шундан буён у жур-налистика ва бадий ижод соҳаларида бирдай қалам тебратиб келмоқда.

нашрга тайёрлади.

Рустам Худойкул ўзини аввало, газетачи деб билади ва бутун қалб-қўрнини, вуж-дини унга бағишлаганлиги сезилиб туради. Унинг кат-та-кичик асарлари, албатта, дастлаб газеталарда чоп эти-лаётир. "Чапқай қотил изи-да", "Қоинотдан келган то-бут", "Бир кун ва бир тун синоати" детектив-саргузашт қиссалари ана шулар жумла-сидандир. Дунё кезган, хиз-мат тақозоси билан қўллаб-қидирилган воқеаларнинг гу-воҳи бўлган, кузатган ёзувчи ҳаётий ҳикояларга қўл урди ва муваффақиятли ижод қил-моқда. Унинг "Қора мушук-нинг ўчи", "Садокатинга таъ-зим, дўстим", "Бахмал ғилофдаги никоҳ узуги", "Қабристонда мағрур ўсган бир жуфт оқ қайин..." каби яна қўллаб ҳаётий ҳикояла-ри ўқувчилар қалбидан жой олган.

Кейинги йилларда "Инсон

XXI ва аср дунё

ҚУРБОНЛАР МИНГ КИШИДАН ОШДИ

Pakistan Observer газетаси Болалар ҳуқуқини ҳимоялаш маҳаллий жамияти (SPARC) вакиллари БМТга мурожаатномасига таяниб тарқатган хабарига кўра Покистондаги кучли сув тошқини қурбонлари минг кишидан ошди.



SPARC вакили Кашиф Бахир кутқарув тадбирлари янада кўпроқ одам, жумладан, донорларни ҳам жалб этиш зарурлигини айтди. Бундан ташқари, у Карачи ва Хайдаробод каби йирик шаҳарларда қочқоқлар учун қўшимча палаталар лагерлар ташкил этишга қаҳариди.

Маълум қилинишича, кутқарувчиларга операция қилиш учун махсус восита ва мутахассислар етишма-

япти, бу эса аҳолининг норозилигига сабаб бўлапти. Жумладан, 80 кишилик гуруҳ Хайдаробод йўлини тўсиб қўйиб, ҳукуматдан қўшимча ёрдам сўради.

Ҳукуматнинг расмий хабарига кўра, табиий офат туфайли Синд вилоятида 226 киши, шу жумладан 34 бола ҳалок бўлди. Сув тошқинидан мамлакатнинг турли минтақаларида жами 5,3 миллион киши жабр кўрди, миллиондан зиёд уйлар вайрон бўлди. Экинларнинг асосий қисмига катта зарар етиб, пул васасаси бошланди. Ҳукумат сув босган туманларда терлама ва безгакка қарши чора кўллашга киришди.

ПОРТЛАШДА ЎҚУВЧИЛАР ГУМОНДОР

Ҳиндистоннинг Кашмир штати полицияси Нью-Делидаги Олий суд биноси олдида юз берган портлашда қатнашганликда гумон қилиб, икки ўсмирни ҳибсга олди, дея хабар тарқатди BBC News агентлиги.

Терговчиларнинг фикрича, айнан Шарик Аҳмад билан Обид Хусейн портлаш кунини интернет-кафедадан "Ислам жиход ҳаракати" террорчи ташкилот номидан электрон хат юнатишган. Хатда портлаш учун жавбгарликни террорчи ташкилот ўз зиммасига олиши таъкидланган ва бошқа қўпурчиликлар учун ушланиб, осиб ўлдиришга ҳукм қилинган сафдошлари Афзал Гуруни озод этиш талаб қилинган.

Ўсмирларга жиноий тил бириктириш айби юкланди. Полициянинг таъкидлашича, улар кўлга олинган, тергов ишлари анча олға босган.

Нью-Делидаги портлаш чоғида 14 киши ҳалок бўлган, 76 киши турли даражада жароҳат олган эди. Ҳиндистонда содир этилаётган террорчилик хуружлари ортида асосий аҳолиси мусулмонлар бўлган Кашмирнинг мустақиллигига интилаётган экстремистлар турибди.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Сирдарёнинг ўрта қисмлари ҳамда унинг икки кучли irmoғи – Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзасида жойлашган, Урта асрларда икки улқа – Чоч ва Илоқни ўзаро боғлаган Тошкент воҳаси Мовароуннахрнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий-этниқ ва маданий-маънавий тарихида муҳим роль ўйнайди. Унинг асрда шарқнинг машҳур географлари Чоч ва Илоқни энг гуллаб-яшнаган вилоятлардан деб баҳо беришган. Бунда улар нафақат мева-чевага бой боғлари ва яйловлари, балки олтин конлари, қумуш, кўрғошин, мис, темир, турли рангли металлларини ҳам таърифлашган.

Бу ўлкаларда савдо-иқтисодий алоқалар яққол ажралиб турарди. Чўл халқлари билан муносабатлар раво йўлга қўйилган. Чоч-Илоқ деҳқонлари улардан чорвачилик маҳсулотлари, териға ишлов бериш, тўқимачилик ва гилам тўқишга оид хунармандчиликни ривожлантириш билан боғлиқ хом ашё оларди. Чўлликлар эса булардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва тайёр хунармандчилик буюмлари, яъни дон, сабзавот, мева, қурул ва ас-лаҳа-анжомлар, рўзгор моллари, ҳар хил тақинчоқлар харид қилишарди. Бундай олди-сотди ва олди-берди-лар воҳадаги шаҳарларда маданиятнинг кескин ривожланишига имкон ератди. Ушбу кенг ҳудудда Х асрдаёқ 50 дан зиёд шаҳарда ҳаёт гуркираган эди.

Бу ерларнинг ўзига хос ажойиб қиёфаси, турли рангларда жилланувчи табиат гузаллиги ҳамда узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг хунармандчилик маҳоратлари ўрта асрлик одамлар учун жуда муҳим ва қимматли фазилат – маънавийнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар ератди. Бу одамларнинг ўз ола-лари ва унинг муқаддас қадимжолариға муносабатларини мустаҳкамлади. Бун-

БУЛОҚЛАР ҚАЙТА КЎЗ ОЧГАНДА

дай бекиёс тарихий, маданий, диний муносабат ўз навбатида одамларда маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантирди.

Бўқа тумани ўзининг бир қатор шаҳар ва аҳоли истиқомат жойлари билан Тошкент воҳаси тараққиёти тарихига дахлдор бўлган. Самсарак, Тўрткўлтөпа ва номсиз кўҳна шаҳарларнинг бутун бошли бир гуруҳи бугунги кунда давлат ҳисобида турибди. М. Массон, А. Аскарлов, Ю. Буряков, М. Филанович, Г. Богомолов, К. Алимов каби олимлар Тошкент воҳаси тарихи ва маданиятини ўрганиш борасида том маънода бекиёс улкан ва оғир меҳнат қилдилар.

Думалоқ ва тўғри бурчакли тепаликлар кўринишидаги кўҳна шаҳар ва аҳоли истиқомат жойлари бугун бой моддий ва маънавий салоҳиятини кўз-кўз этиб

турибдики, бунинг ҳақиқий аҳамияти ва қўламини баҳолаш мушкул. Агар ўша тарихий ёдгорликларнинг бирортаси бугун ҳам давом этаётган аниқ-тайин воқеалар билан боғлиқ бўлса, бу ҳол одамларнинг, айниқса, ёшларнинг дунёқарашлари, нуқтаи назарлари ва ички дунёси шаклланишига қай даражада маданий ва маънавий таъсир этишини тушуниш мумкин.

Бўқа тумани марказидан у қадар узоқ бўлмаган, нари борса 1,5-3 километр масофада бир неча қадимий ёдгорликлар ястаниб ётибди. Уларнинг кўпи номсиз. Чотқол-Курама археология отряди 1963 йилда уларни рўйхатга олди. Айримларида Х асрга тааллуқли танга ва идишлар топилиди. Бошқалари ўлчами 450 метргача бўлган харобалардан иборат. Кўҳна шаҳарлардан бирининг тураржой

қолдиқларидан иборат жамурий қисми алоҳида кўзга ташланиб туради.

Бўқаликлар ўз туманларининг барча қадимжоларини эъзозлашади. Айниқса, Кўчқор отани жуда ҳурмат қилишади. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, бир вақтлар, Мирзачўл бу жойларга яқин бўлган пайтларда сув умуман йўқ экан.

ердан ҳамон одамлар қадами узилмайдди. Уларнинг қалблари ором топади, миннатдорчиликка тўлиб-тошади. Ахир она табиятнинг ўзи улар билан дарахтлар баргининг шовуллаши, шамолларнинг нафаси ва кўёш нурлари орқали суҳбатлашади-да. Аммо, афсуски, булукнинг кўзи беркилиб қолди, бир неча ойки, суви қуриди. Кексалар бизга шундай дейишди: "Булукқа олиб боровчи йўл қурилса, бу Кўчқор ота қабри узра мўъжазгина гумбаз қад ростласа, булоқ, албатта, қайта кўз очиб, шилдирик овозда яна қуйлай бошлайди."

Бунга жуда-жуда ишонгимиз келади! Тарих бундай воқеаларга кўп бор гувоҳ бўлган. Демак, Кўчқор ота қадимжоларини қайта тиклаш фурсати етди.

Яқинда Яхшигул мома айтдики, бу муҳим ва хайрли ишга тайёргарлик бошланди. Демак, Кўчқор ота сари янги йўл очилаётган вақт жуда яқин. Бу йўл узоқ ўтмишдаги аждодларимизга чексиз меҳр-муҳаббат ва иззат-ҳурмат рамзи сифатида бунёдга келади. Демак, у ўзимиз, ўз қалбимиз сари йўл бўладики, чотрофни гузалликка буркаб, миллионлаб қалбларда жонажон ерга, она табиятга нисбатан меҳр-муҳаббатни яна ўн чандон оширади. Ва бу муҳаббат кўп нарсаларга қодир: хотирани қайта уйғотади, Бугунимизни безайди, Келажакимизни бунёд этади. Худди Кўчқор ота ҳассасининг бир зарби билан ҳаёт бўлоғи кўз очгандек.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

ВО АЖАБО...

СУВГА ОБОРИБ, СУҒОРМАЙ КЕЛИШ САНЪАТИ

Давлатимизнинг халқ фаровоналигини ошириш, турмуш даражасини яхшилашга қаратилган сиёсати амалда шаҳар ва қишлоқларимиздаги ҳаётни тубдан ўзгартирди.

Оҳангарон туманининг шундай Курама тоғ тизмалари бағрида жойлашган Хўжақишлоқ – менинг кичик ватаним. Бу жаннатомона жойларда отамнинг киндик қони тўкилган, онам дунёга келган. Қишлоқ одамларида асл ўзбекларга хос фазилатлар – меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик жўш уриб туради. Уларнинг ҳаёти яхши дейишга битта катта муаммо ҳалат беради. У ҳам бўлса, марказлашган ичимлик суви тизими йўқлиги.

Бу ерлардаги ховлиларнинг баъзиларида қазилган қудуқлардан муздек ва ширин сув олинади, баъзилари суви умумий водопровод жўрақларидан ташиб келади. Хуллас, ҳар бир хонадонга тоза ичимлик суви қувурларини олиб келиш жуда зарур эди. Ва ниҳоят, хўжақишлоқликларнинг елкасига офтоб теккандай бўлди – 2010 йилнинг 1 майида вилоят ҳокимлигининг ЯЕХИК деб номланган ташкилоти ҳамда Олимжон Раҳимов исмли шахс раҳбарлик қилаётган "Қурувчиҳамкорфайз" хусусий корхонаси ўртасида пудрат шартномаси расман имзоланди. Бу ҳужжатга мувофиқ, бир ой ичида хусусий корхона Сўсам ҚФЙга қарашли Хўжақишлоқда 65 миллион 477 миң сўмлик сув тармоқларини реконструкция қилиши керак эди. Лекин О. Раҳимов ва унинг ҳамкори, ЯЕХИК техник назоратчиси Эркин Аҳмедов 38 миллион 437 миң 172 сўмлик ишни бажармаган ҳолда, "жами 60

миллион сўмлик иш бажарилган" деган сохта ҳужжат, яъни маълумотнома ҳисоб-фактура тайёрлашган.

Бундай қинғир ишнинг қийми очилиши қирқ йилга чўзилмади – 2011 йилнинг августидан бўлиб ўтган суд Олимжон Раҳимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-модда, 3-қисмига асосан 7 йил жазо муддатини умумий тартибдаги колонияда ўташ тўғрисида ҳукм чиқарди. Судланувчидан 38 миллион сўмдан ортиқ маблағ давлат фойдасига ундириладиган бўлди.

Шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди-ю... "Қурувчиҳамкорфайз"дан кейин қишлоқ кўчаларида қазилган ариқлар хануз сув қувурларини кутмоқда. Яъни бошқаларнинг айби билан хўжақишлоқликлар сувсиз қолди ва қачон сув бўлиши ҳам номаълум.

Яна бир гап: реконструкция ишлари расмий маблагларни қанчалик тендер савдоси орқали амалга оширилган. Қайси мансабдор шахс 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг 5 (!) та моддаси, шу жумладан, яна ўша 167-модда, 3-қисм билан 7 йилга қамалган О. Раҳимовга бундай катта молиявий маблагларни ўзлаштиришга рухсат берган? Тендерлар чинакамга очик, ҳалол ва адолатли бўлгани? Хўжақишлоқда сув қачон келади? Бу саволларга қачон жавоб тополмади.

Алишер КОМИЛХОНОВ.

НИГОҲ

АДОВАТТОШИ

Қирғизистон ва Тожикистон чегараларида яшовчи аҳолининг бошини ғурра қилмоқда

Қирғизистон билан Тожикистоннинг чегара зоналарида истиқомат қилаётган ҳар икки томон фуқаролари ўртасидаги адоват, нифоқ кейинги вақтларда тез-тез хуруж қилаётган бўлиб қолди. Шуниси қизиқки, ҳар икки томон бир-бирини қуёш-қондан қиқшида айблайди.

Шундай зиддият ва жанжаллардан бири 14 июнь кўни юз берди. Ўша жазира кунда Сўғд вилояти Исфара тумани Ворух анклавининг бир тўда аҳолиси Қирғизистоннинг Баткент вилояти Меҳнатобод ва Оқтош аҳоли пунктида яшовчи фуқаролар билан мушталлаш кетишди.

Аниқланишича, моҳороҳ сув, тўғрироғи сувсизлик сабаб бўлган экан. Бундан қирғиз томони жанжал сабабчиси бўлибди. Яъни, қирғизлар тожик анклавини сув билан таъ-

минлаб турувчи канални ўзбошимчилик билан беркиби қўйишди. Оқибатда ворухликлар олти кун сувсиз қолиб кетишди. Бу ҳол тожикистонликларни жунбости келтириб, уруш-жанжалга айланиб кетибди.

Ўнлаб ворухликлар Қирғизистон ҳудудидаги суний тўсиқни ўзлари очишга уринишган. Бироқ, Қирғизистоннинг чегарадаги аҳоли пунктидан етиб келган кишилар уларни роса дўппослашган.

Кейинроқ қалтакланганларнинг қариндошлари воқеа жойига келиб, тожикларга жабр етказганларни тутиб беришни қирғизлардан талаб қилишган. Бунга жавобан қирғиз томон тожикларни атайлаб давлат чегарасини бузиб кириб, қирғизистонликларга тегишли ерларни босиб олишда айблаган.

Тожик анклав аҳолисининг сўзларига қараганда, Қирғизистон томони суви ўзбошимчилик билан сурункасига тўсиб қўймоқда. Бу эса экинларни суғоришқа қўллаб-муаммоларни келтириб чиқармоқда. Устига-устак, ворухликларнинг айтишларича, тўсиб қўйилган сувдан қирғизларнинг ўзлари фойдаланишмаётган экан.

"На ўзлари фойдаланишди, на бизга беришди, – дейди ворухлик фуқаро. – Эслайсизми, бурунги замонларда шаҳарлар қай йўсинда қамал қилинарди? Шаҳарга қирадиган сув йўлини тўсиб қўйишган. Шундан кейин очликдан, бунинг устига ташналиқдан силласи қуриган кишилар рақиб қўшинига таслим бўлишган. Қирғизистонликларнинг қишлоқлари ҳам шуни эслатапти."

Рифат ХИСМЕТОВ. «Белый Парус».

ТУРКИЯГА РАДАР ЎРНАТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Анкара ҳамда Вашингтон Туркия ҳудудида НАТОнинг ракетага қарши мудофаа радарларини ўрнатиш ҳақидаги меморандумни имзолади. Today's Zaman нашри шу хабарни тарқатади.

Мамлакат жануби-шарқида, Сурия билан чегара яқинидаги Малатья шаҳрида радиолокацион станция қурилади. 2011 йилнинг охиригача Туркияда AN/TPY-2 TNAAD синфидаги РЛС мобил тизими жойлаштирилади. Радар НАТОнинг ракетага қарши мудофаа тизимига кириб, барвақт эълон қилиш тизими сифатида Эрон ҳудудида ракета учирилгани ҳақида олдиндан хабар беради.

Reutersнинг хабарига кўра, бир кун аввал АҚШда НАТО ракетага қарши мудофаа қисмларини Руминияда жойлаштириши тўғрисида битим имзоланган эди. Мақсад – Эроннинг узоққа учувчи ракеталаридан ҳимояланиш. АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон ва Руминиянинг ташқи сиёсий идораси бошлиғи Теодор Баконски ушбу битимни имзоладилар.



Associated Press Колумбия разведкасининг собиқ бошлиғи Хорхе Ногуро жангариларнинг ўнг радикал ташкилоти билан алоқада бўлган деб топилди, 25 йил муздатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганини маълум қилди.

СОБИҚ РАЗВЕДКА БОШЛИҒИ ҚАМОҚДА



Ногуро жангариларга қасба уюшмалари етакчилари ва сўл ташкилотлар аъзолари ҳақида ахборот бериб турганликда айбланди. Бу кишиларнинг айримлари ўлдириб юборилди. Собиқ разведка бошлиғига юклатилган айбловлар жангарилардан олиб қўйилган компьютерлардаги ҳужжатлар ҳамда унинг кўл остидаги собиқ ходими Рафаэл Гарсианинг кўрсатмаларига асосланди.

Хорхе Ногурога нисбатан очилган жиноий ишнинг ҳал қилувчи воқеаларидан бири 2004 йилда коллеж ўқитувчиси Альфредо Корреа Андриеснинг ўлдирилгани бўлди. У ҳарбийлашган ташкилотларнинг фермерлар ерини ноқонуний тортиб олишдаги иштироклари масаласини ўрганаётган эди. Олий суд Ногурога қурбон бўлган ўқитувчининг оиласига 1,9 миллион товод тўлаш мажбуриятини ҳам юкланди.

Ўз вақтида мамлакат президенти лавозимини икки муддат эгаллаб турган Альваро Урибе маъмуриятининг уч нафар юқори лавозимдаги мансабдорлари орасида Хорхе Ногуро энг узоқ муддатга қамоқ жазосини олди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкентда "Тасанно – 2011" пазандалик санъати фестивали бўлиб ўтди. Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбир Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Ўзбекистон ошпазлари уюشمаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«ТАСАННО – 2011» – МИЛЛИЙ ТАОМЛАР НАМОЙИШИ

2004 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу фестивалда Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон, Чехия, Италия, Греция, Украина, Вьетнам, Иордания, Жанубий Корея, Индонезия, Эрон, Туркманистон, Қирғизистон каби қўллаб-даватларнинг миллий таомлари намойиш этилди.

Мазкур фестивал турли халқлар маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш, ҳамкасблар билан мулоқот қилиш имконини

бергани билан ҳам аҳамиятлидир. – Ўзбекистонда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ва халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида ҳавас қилса арзигulik улкан ишлар амалга оширилмоқда, – деди Покистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Мохаммад Ваҳид ул-Ҳасан. – Ўзбекистонда ўтказиладиган бу каби тадбирлар ўзаро маданий муноса-

батларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон бетақор урф-одатлар ва қадриятларга бой мамлакат. Ўзбек миллий таомлари хуштаълиги, тотли ва бетақорлиги билан дунёга машҳур. Тадбирда турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари, миллий либос ва таомлари намойиш қилиниб, ранг-баранг қўшиқ ва рақслари ижро этилди.

Ў.А.

ЛОЧИН БИЛАН ХЎРОЗ

Лочин эгасининг қўлига ўрганган эди. У чорласа, лип этиб учиб келарди-ю, елкасига ё билагига қўнарди. Хўроз бўлса, доим уйдагилардан қочгани қочган. Дон-дун селип чакирмасанг ёнингга йўламайди. Бир кун лочин хўрозга дашном берди:

– Сенларда инсоф йўқ ўзи. Нафсининг қулига айланиб қолгансанлар. Томоқ берса, хўжайиннинг ортидан чопасанлар, бўлмаса, ундан қочасанлар. Садокатини мана биздан ўрганиш керак. Хўжайин "гах" деса, учиб бориб қўлига қўнамиз.

Хўроз деди: – Гапираверасан-да, ошна! Сен умингда қовурилган лочиннинг кўрганми-сан? Кўрмагансан. Қовурилган жўжаўрознини обдон кўргансан. Агар патингни юлиб, сени ҳам қозонга босганлариде, бунақа валдираб ўтирмас эдинг.



caricatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манъалимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.

Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терици ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ

Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.